


I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь-сентябрь ойларида Тошкент шаҳрида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 63598,5 млрд. сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан ўсиш суръати 98,4 фоизга teng бўлди.

Январь-сентябрь ойлари учун иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ишлаб чиқариш

	млрд. сўм		2019 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2019 йил	2020 йил	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	58194,4	63598,5	98,4
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	51536,8	56872,9	98,4
Маҳсулотларга соғ солиқлар	6657,6	6725,6	98,1
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	51536,8	56872,9	98,4
Саноат (курилишни қўшган холда)	25327,1	26772,8	97,0
Саноат	20132,5	21008,2	96,0
Курилиш	5194,6	5764,6	100,7
Хизматлар	26209,7	30100,1	99,8
Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	8247,7	9712,9	100,5
Ташиб ва сақлаш, ахборот ва алоқа	6607,4	7255,7	102,6
Бошқа хизмат тармоқлари	11354,6	13131,5	97,6

**ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари, фоизда
(2020 йил январь-сентябрь ойларида)**




Тошкент шаҳри иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, саноат ишлаб чиқариш индекси – 96,0 % ни ташкил этиб (ЯҲМ таркибидаги улуши 36,9 %), қурилиш – 100,7 % (10,1 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 100,5 % (17,1 %), ташиб ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 102,6 % (12,8 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 97,6 % (23,1 %) ни ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(жамига нисбатан фоизда)**

2019 йил январь-сентябрь




2020 йил январь-сентябрь



- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиб ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

2020 йил январь-сентябрь ойлари давомида Тошкент шаҳри бўйича савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги улуши 17,1 % ни (2019 йил январь-сентябрда 16,0 %), ташиб ва сақлаш, ахборот ва алоқа соҳасида ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги улуши 12,8% ни (12,8 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар соҳасида ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги 23,1 % ни (22,0 %) ташкил этди.

**Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби,
(жамига нисбатан фоизда)**



Тошкент шаҳри иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 89,4 % ни, маҳсулотларга соф солиқлар эса 10,6 % ни ташкил этди.

Саноат (курилишни қўшган ҳолда) тармоғи ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши ҳисобот йилида 47,0 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ялпи ҳудудий маҳсулотнинг таркибидаги улуши эса 53,0 % ни ташкил этди.

2020 йил январь-сентябрь ойлари давомида дастлабки маълумотларга кўра ялпи ҳудудий маҳсулот аҳоли жон бошига 24338,3 минг сўмни ташкил этиб ўтган йилнинг мос

даврига нисбатан 4,7 % га камайди. Шу билан бирга, Тошкент шаҳрида йирик корхоналар иқтисодий фаолияти жадаллашиши оқибатида ЯҲМда кичик бизнеснинг улуши 47,5 % ни ташкил қилди.

Ялпи худудий маҳсулотда кичик бизнес улуши
(январь-сентябрь ойлари, жамига нисбатан улуши)

2019 йил



2020 йил



Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМни шакллантиришда Тошкент шаҳрининг кўшган хиссаси 15,6 % ни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,4 пунктга камайган.

Ялпи ички маҳсулотда Тошкент шаҳрининг улуши, фоизда

